

Самарқандда зиёрат давом этмоқда



09:36 / 12.11.2018 3357

Бугун халқаро “Нақшбанд туризм фестивали” иштирокчилари Самарқанд бўйлаб ўз зиёратларни давом эттиришди.

Меҳмонлар Абу Мансур ал-Мотуридий, Шоҳи Зинда мажмуа-зиёратгоҳларида бўлишди. Шунингдек, фестивал иштирокчилари Мирзо Улуғбек расадхонаси ва музейини ҳам зиёрат қилишди.







Самарқанддаги тарихий обидалар, сақланаётган қадимий қўлёмалар ва кўҳна ёзувлар меҳмонларда унутилмас таассуротлар қолдирди. Аввал орзу қилинган зиёратлар, эндиликда рўёбга чиққанидан меҳмонларнинг чексиз шодлиги юзларида балқиб турарди.







Мазкур фестивал 14 ноябрь куни ўз якунига етади.

Азиз ўқувчилар, бизни кузатишда давом этинг.

Islom.uz портали таҳририяти